



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 22 март, № 58 (4468)

Шанба

ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадри ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, боғу роғлар, дашту далалар яшил либосга бурканиб, баҳор нафаси, кўшнинг тафти тобора кўчаиб бораётган шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутадиган, янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлиши Наврўз айёми ўзининг маъно-мазмунни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Нега деганда, Наврўз табиат очилиши, уйғониш ва янгиликни фасли бўлиб, Шарқ дунёсидаги энг қадимий, биз учун асл миллий, ғоят ардоқли ва эъзозли байрамдир.

Наврўз ўзига хос бетакрор бир олам бўлиб, инсон зотини табиат билан доимо уйғун ва ҳамоханг бўлиб яшашга даъват этадиган ўзаро меҳр-оқибат, қадриқиммат, хайру саховат рамзи ва белгисидир.

Айни Наврўз фаслида барчамиз ўзимизнинг табиат фарзанди эканимизни, халқимизга хос миллий қадрият ва аъаналар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканини бутун қалбимиз билан англаймиз ва беихтиёр юрагимиз гуруру ва ифтихорга тўлади.

Мана шундай нурафшон лаҳзаларда, айнан баҳорга мансуб сумалак ва ҳалим, кўк сомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида халқимиз Наврўз неъматларини, байрам қувончини ўз ақинлари, ёру дўстлари билан баҳам кўради, дунёга қалбини, бағрини кенг очиб, пок ният ва орзуларини билдиради.

Мана шу файзли кунларда одамлар маҳалла-қўй, эл-юрт билан тотув бўлиб, бир-бирига қалб кўрини бағишлаб яшашга, беморлар, етим-есирлар, кўнгли ярим инсонларга беиминнат ёрдам ва кўмак беришга, табаррук кексаларимизнинг дусосини олишга интилади.

Бу ажойиб байрамнинг яна бир хислати шундан иборатки, у кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни унуттиш, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар келишига умид ва ишонч билан яшашга, жамиятимизни аҳиллик ва ҳамжихатликка чорлайди.

Бугун юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари маҳаллаларда, тураржойларда бу гўзал ва дилбар айёмни ягона оила бўлиб, катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Бу эса Наврўзнинг ҳақиқатан ҳам ноёб ва бетакрор экани, одамзодни фақат эзгулик ва яхшиликка даъват этишини яққол тасдиқлайди.

Хурматли юртдошлар!
Бугун юртимизда Ёшлар йили деб ном олган 2008 йилнинг Наврўзини кутиб

олар эканмиз, барчамиз баҳор айёми, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғланиб кетганини яна бир бор ҳис этамиз.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди. Айни шу кунларда фарзандларига атаб, уларнинг ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиши учун ниҳол экиб, боғ яратади.

Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, биз ўз ёруғ келажагимизни, авваламбор, ёш оилалар, ёш авлодимиз тимсолида кўраемиз.

Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Уларнинг ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини кўриб, беихтиёр барчамизнинг кўнглимиз гурурга тўлади, тоғдек кўтарилди.

Бугун мана шу мухташам майдонда, Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланган, юзида, кўзида қатъият ва шижоат порлаб турган сиз, азиз ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча мухтарам меҳмонларимизни Наврўз байрами билан табриклаб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиромимизни билдиришга, узоқ-яқин қўшни ва ҳамкор хорижий дўсту биродарларимизга қизғин салом ва табрикларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Қадри ватандошларим!

Бугун, мана шу унутилмас дамларда, янги маусум арафасида барчамиз, энг аввало, Наврўз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлмиш заҳматқаш деҳқонларимизни кўтлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилақларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўпайсин!

Ҳар бир оила, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарқ этмасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

**Инсон умрини табиат
фаслларига қиёслаш мумкин.
Зеро, одам боласи ҳам туғил-
гандан бошлаб баҳор куртак-
лари сингари тирикликка,
яшашга интилади. Ёз каби
сахий у — атрофдагиларга
нафим тегсин, дейди. Куз
янглиғ вазмин, қишли-қировли
кунларнинг қорларидек қалби
оппоқ бўлади. Гарчи қор биз
учун даставвал аёзу изғирин-
ни эслатса-да, аслида, у
эртанги кунимизнинг ризқ-
насибасига озиқдир. Одамзод
умри шу тарзда маъно-моҳият
қасб этса, у яшаётган юрт
обод бўлади. Эл-улус қалбида
бунёдкорлик кайфияти барқа-
рорлашади. Наврўз ана шу
хислатларни ўзида мужассам
этган, илоҳий мазмун-моҳият-
га эга айёмдир.**



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тантаналаридан репортаж

Шу боис бугун жойларда ободончилик-қўқалам-зорлаштириш, экин-тикин ишлари авжида. Кимдир ён-атрофни ободонлаштираётти, яна кимдир фарзандларини набираларини ёнига олиб кўчат ўтказаяпти. Беморлар ҳолидан хабар олиш эсдан чиқмайди, муҳтож одамга кўмак беришни фарз деб билган саховатли кишилар кўп. Буларнинг бари ўзбекона хислат саналади. Ҳеч бир мамлакатнинг урф-одатларини камситмаган ҳолда айтадиган бўлсак, ўзингдан, Наврўзидан қўймайсин, халқим!

Комил ишонч билан айта оламизки, бугун она-Ватанимиз — Ўзбекистонда мана шундай яратувчанлик руҳи билан бойиди.

Наврўз ҳақида гапирганимизда, албатта, уни миллий шодиёна деймиз, халқона байрам деб атаймиз. Шунинг учун ҳам Президентимиз раҳнамолигида Наврўз юртимизда чинакам халқ шодиёнаси, оммавий сайил тарзида ўтказилмоқда. Ана шу эътибор боис бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида, энг чекка туманларида, қишлоқларида ҳам Наврўз кўтаринкилик билан нишонланаёпти. Бай-

рам шукуҳи аллақачон одамлар қалбига, шоир илҳомига, ҳофиз кўшиғига кўчиб улғурди.

Пойтахтимизнинг барча марказий майдонлари ва хиёбонларида ҳам байрам катта шодиёна ва кўтаринки руҳда ўтмоқда.

21 март. Биз ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон миллий боғидаимиз. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган. Меҳмонлар чоратрофнинг ўзгача дид, ажиб меҳр билан байрамона безатилганини кўриб, инсоннинг қўли гул, деган нақл бежиз айтилмаганлигига яна бир бор иқдор бўлдилар.

Зеро, миллий боғимиз чиндан-да, келинчақдек чирой касб этиб, ўқтам кўвдек ажралиб турибди. Миллий боғ йўлақлари бўйлаб турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий хунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Қўли ширин пазандаларнинг сумалак, ҳалим, кўк сомса сингари турфа таомларини кўриб, шу кун-

ларга етказганига беихтиёр шукроналар айтасан, киши.

Мухташам безатилган саҳнанинг орқа фонида Ўзбекистонимизнинг мафтункор, гўзал табиати, лозорлар, яшнаган чаманзорлар жамоли, турфа безаклар, ранг-баранг пуфаклар, ленталар акс этганини кўриб, осмони мусаффо, замини ҳосилдор, суви ширин шундай гўзал юртда яшаётгани билан фахрланасан...

Соат 10:00. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов майдонга кириб келади. Байрам тантанасига йиғилганлар мамлакатимиз раҳбарини гудурос қарсақлар билан кутиб олишди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади. Президентимиз Ўзбекистон халқини кўтлуг айём — Наврўз билан табриклаб, нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз табриғида бу йилги Наврўз «Ёшлар йили»да, демокки янада кўтаринки кайфият ва зўр қувонч билан ўтаётганини таъкидлади.

Майдонда карнай-сурнай садоси янграйди. Байрам тантаналари бошланади. Истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажақ ворислари учун яратилаётган шарт-шароит ва ғамхўрлик, аҳоли саломатлигини

(Давоми 2-бетда).



«NEXIA»НИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ



Сервар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Наврўз умумхалқ байрами арафасида янги ташкил топган «General Motors Uzbekistan» қўшма корхонаси «Ўзэкспомарказ»да кенг жамоатчилик эътиборига «Nexia»нинг янги моделини ҳавола этди. Бу машинанинг биринчи модели Ўзбекистонда ўн икки йил давомида ишлаб чиқарилган. Ҳозир эса «Nexia»нинг тақомиллаштирилган янги модели шохсўпадан ўрин олди.

Ушбу воқеага бағишланган тақдирот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Санакулов мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббусига кўра, қисқа вақт ичида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» автомобиль заводининг қад ростлаганини қайд этди. Утган давр мобайнида ушбу корхона иқтисодиётимизнинг улкан салоҳияти тимсолига айланди. Бугун жо-

наҳон Ўзбекистонимизнинг ва кўплаб хорижий давлатларнинг йўлларида минглаб ўзбек автомобилларини, шу жумладан, «Nexia»ни учратиш мумкин. Бу русумли автомобильга Россия, Озарбойжон, Қозоғистон, Беларусь, Молдова, Украина каби давлатларда, айниқса, талаб катта.

«Nexia»нинг янги тақомиллаштирилган моделида ўзгаришлар кўп. Ўзгартирилган экстерьер ва салон машинага янги

кўриниш ва имкониятлар бахш этди. Янги «Nexia»нинг олдинги ва орқа бамперлари, ёритиш элементлари, хусусан, орқа ва олдинги фаралари, қайрилиш ва туманга қарши фаралар, радиатор панжалари модификация қилинган, номер пешлаваҳаси орқа бампердан юқхона қопқоғига кўчирилган, натижада «Nexia» автомобил кўркем ва замонавий кўринишга эга бўлди.

Туманга қарши янги фаралар ўрнатилган олдин-

ги бампер катталаштирилган ҳаво ютгичга эга бўлиб, у 105 от кучига эга янги дивгательнинг совитилишини таъминлайди. Олдинги ва қайрилиш фаралари ягона блокка бирлаштирилган. Асосий фараларнинг шаффоф линзалари автомобилга шарқона нафислик бағишлаган. Дизайнерлар автомобилнинг ишончилиги, ҳафсизлиги ва энгил бошқарилишини ва айни пайтда бетакрор услубини сақлашга муваффақ бўлган.

Тез кунларда истеъмолчилар янги ва айни пайтда, қадрдон «Nexia» нинг замонавий қиёфаси ҳамда технология хусусиятларига баҳо бериш имконига эга бўлади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан «Ёшлик сайли» байрам тадбири ташкил этилди.

Ёшлик Сайли

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларга пухта таълим-тарбия бериш, уларни ҳар томонлама баркамол шахс этиб вояга етказиш, жамиятнинг чинакам таянчи ва суянчига айлантириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Таълим, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий, ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тамомла янги қиёфа касб этган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда).

ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

асраш борасидаги туб бурилиш — буларнинг барчаси МУСТАҚИЛЛИК шарофатидандир. Энг асосийси, халқимиз истиқлолнинг мазмун-моҳиятини англаб етди, Ватан равнақига ўз хиссасини қўшишга интилиш фўқароларимизнинг эътиқод ишига айланган. Наврўз байрамнинг бугунги жозибаси ва шуқуҳи ҳам шакл-шубҳасиз, истиқлол тўғайлидир.

Майдон узра жилдираб оқаётган сув садоси, булбуллар хониши янграб, гуллар очилишини ифодаловчи рамзий лавҳалар кўзга ташланганда, дилда ҳаяжон уйғонади. Беихтиёр саҳна атрофида разм соласиз ва турли бадий жамоалар ўзига хос гиламлар, наматлар, кигизлар билан миллийликни акс эттириб туришганига ғўбўласиз.

Бундай байрамлар тинч-хотир-жам юрда, одамлари соғ-омон, ёшлари шодумон элга ярашади, албатта. Президентимиз тақдирлар билан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб аталгани юртимизда келажак ворислари юксак эътиборда эканлигини кўрсатади. Бу

ноб мақсад мужассам. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастури ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш йўлида навбатдаги қадам бўлди.

Наврўз нафақат эзгу тантаналар шодибаси, шу билан бирга, яратилиш, яшатиш, бунёдкорлик айёми ҳамдир. Зотан, бундай ишлар юртимизни жаҳонга танитишда муҳим қадам саналади. Шу маънода, бугун мамлакатимизнинг нафақат марказий ҳудудларида, балки энг чекка қишлоқларида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, замонавий академик лицейу касб-ҳунар коллежлари, врачлик пунктлари барпо этилаётган. Азиз-авлиёларнинг қадам-жолари обод қилинмоқда, халқимизнинг ардоқли кишиларига муносиб эътибор кўрсатишмоқда.

Хазрат Навоий ҳайкали пойидан то саҳнага қадам икки ёнда гуруҳлар таъзимлар ила, ўзгача назокат билан туришибди. Саҳнада созандалар майин навои ижро этиди, Ватанин, Наврўзни мадҳ этувчи шеър ўқилган, қарнай-сурнай садолари остида йиғилар ва қизлар рақси, дуторчилар, найчилар, скрипкачилар ижроси намойиш этилди. Қўшиқ ва рақсларга навбат берилди.

Наврўзни миллий анъаналаримизни намойиш этувчи кўзгу, деймиз. Бунинг исботи саҳнада ҳам акс этиб, Наврўз удумлари — арқон тортиш, чиллак, "Оқ теракми", кўк терак" сингари азалий уйинлар ижро этилади. Масҳарабозлар, қўғирчоқбозлар, ёғоч от уйинчилари ҳам ўз истеъодларини кўрсатадилар.

Элимизнинг ардоқли санъаткорлари Таваккал Қодиров, Ҳалима Носирова, Маъмуржон Узоқов ижро этган халқ қўшиқлари, лапар, айтишувлар, ёр-ёру ялалар ёшлар ижросида талқин этилади. Катта ашулалар ижро қилинади.

Фасли навбахор ўлди, кетибон зимматлар, Дўстлар, ганиматдур сайр этинг гулистонлар.

Субҳидам тузиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам, Гул уза томиб кам-кам, ёғди абри-найсонлар...

"Болалар — Истиқлол гўнчалари", "Она диёрим", "Ёшлар эртанги ва бугунги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи" ва шу сингари байрам кўринишларида юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари иштирокида уларнинг маданияти, урф-одатларини акс эттирувчи чиқишлар намойиш этилади. Ҳар бир композиция намойиши оралиғида турли бадий жамоалар ўзларининг байрам чиқишлари билан қатнашдилар.

Наврўз тантаналари чоғида ана шу шуқуҳни, миллат равнақини ўйлаб олиб борилаётган ислохотларни, шодибна тароватини, улкан бунёдкорликни тараннум этувчи қўшиқлар янграйди. Юртимизнинг машҳур санъаткорлари, "Нихол" ва "Янги авлод" мукофоти соҳиблари ўзларининг янги қўшиқ ва рақслари билан байрамга шуқуҳ, меҳмонлар қалбига завок олиб кирадилар.

Ўзбекистон миллий боғидаги Наврўз байрами мушаққоқлик, самога минглаб шарларнинг учирлиши билан яқунланди. Табиийки, унинг таровати бутун юрт узра, қалблардан қалбларга кўчиб юраверади. Жойларда, маҳалла-ларда, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам халқ сайли давом этаверади. Байрам шуқуҳи барчани яратиб, яшатишдек эзгу юмушларга ундайди.

Юртимизга хуш келибсан, Наврўзи олам!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири, Абдувоҳид ТўРАЕВ, Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЁШЛИК САЙЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ерда барпо этилган талабалар тураржойлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, шифо масканлари, замонавий Ахборот-ресурс марказлари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида бундай эзгу юмушлар кўлами тобора кенгаймоқда. Наврўз тантаналари кен

ришонланаётган шу кунларда шаҳарда санъат усталари, ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди. Спортнинг теннис, арқон тортиш, кураш, армрестлинг, шахмат-шашка ва бошқа турлари буйича мусобақалар ўтказилди. «Наврўзга бағишланган энг яхши деворий газета», «Энг пазанда гуруҳ» каби кўрик-танловлар ўтказилди.

— Баҳор яшариш, янгилавиш, ёшлик айёми, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти Назира Ҳамроева. — Наврўз нафақат уйин-кулги, шодибна билан, балки моҳиятан биз, ёшларни меҳроқибатга, эзгулик, саховат ва бағрикенгликка ундаши билан ҳам қадрлидир.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



Мухоммад РАИИ (Ў.А) олган сурат.

ЮРТИМИЗ БОҒУ БЎСТОНГА БУРКАНМОҚДА

Ўзбекининг бир парча ери бўлса, у жойга ҳам, албатта, ниҳол қадайд. Кўчат экиб, боғ яратиш ҳақимизнинг азалий одати-да. Шу боисдан юртимизга қўлдан келиши билан тирик жон борки, ғимирлаб қолади. Нега деганда, кўвш ҳамал буржига оққанда ўқазилган ниҳоллар тез тутиб, бехато ўсади. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 1 мартдаги фармойишига асосан, март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ойлари деб эълон қилингани ва бу шамсия йил тақвимига кўра, ҳамал ойини қамаб олгани билан барчанинг дилидаги гап бўлди. Ҳамма жойда теварак-атрофини саришталаш, кўчат экиш ишлари авж олди.

Ойликларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфидида Манзарали бошқорилиш ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси ҳам фаол иштирок этапти. Улар шаҳар қишлоқларимизни қўқаламзорлаштириш, боғ-роғга бурқаш ниятида қўлаб турдаги манзарали, мевали дархат кўчатлари ва гул ниҳоллари етказиб бермоқда.

Бугунги кунда марказнинг умумий ер майдони 8355,4 гектар бўлиб, шундан 2084

гектари ўрмон билан қопланган. 152 гектар ерда эса кўчатхоналар ташкил этилган. Айни пайтда унинг тарихида 7 та илмий-тадқиқот станцияси, 3 та боғдорчилик ва гулчилик корхонаси, 10 та ишлаб чиқариш участкаси ҳамда битта махсус ўрмон хўжалиги фаолият кўрсатапти. Иш-

ўтган йили 108,1 миллион сўм даромад кўрилди.

Мутахассисларнинг айтишича, кейинги йилларда айниқса, Зарафшон арчаси, элдор ва Қрим карагайи, Бергин арчаси, оқ қайин, эман, шумтол, заранг, мажнунтол, тол каби дархат кўчатлари талаб ортиб бораёпти. Бутасимонлардан эса наъманат, атиргул, самшит, аморфа, япон беҳиси сингари турларига эҳтиёж юқори. Булардан ташқари, марказ мутахассислари бу йилги экиш мавсумига бодом, ўрик, шафтоли, беҳи, анор, жийда, хурмо каби мевали дархатлар ниҳоллари билан биргаликда жами 50 дан ортиқ турдаги 1,5 миллион тулдан зиёд кўчат тайёрлаб қўйдилар. Бу ниҳоллар ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ойларида шаҳар қишлоқларимиз, боғу хибоналарга ўтказилиб, юртимиз жамолига мафтункор фусун бағишлайди.

Дарвоқе, ойликларда марказ ишчилари яшил майдонларни кенгайтириш мақсадида 100 минг тулдан зиёд кўчат экишга аҳд қилишган. Бу иш жадал олиб боришмоқда.

С. РАҲМОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Мавсум

лаб чиқариш участкаларининг республикамиз вилоятларида жойлашгани аҳоли билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу ерда буюртмачиларнинг талаб-истаклари ҳам инobatта олинган ҳолда мамлакатимиз иқлимига мос бўлган манзарали дархат, бутта ва гулларнинг қўлаб ноёб тур ва навлари қўқайтирилади, кўчат етиштирилади. Бу ишлар 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастур доирасида олиб борилаётган. Унга кўра, шу йиллар мобайнида 18 миллион тул ана шундай ниҳоллар тайёрлаш кўзда тутилган. Жумладан, 2006-2007 йиллари режадаги 4,1 миллион тул ўрмонга 7,85 миллион тул турли дархат ва гул кўчатлари етиштирилди. Шу тўғайли

МЕҲР БИЛАН ОЛАМ ЧАРОҒОН

Юртимизда Наврўзи олам шуқуҳи кезаётган шу кўтлуғ кунларда ким билан диллашманг, барчанинг қалбига қувонч, тилида шуқрона. Айниқса, улғайиб кўчалари юртдошларимизнинг ўзаро меҳроқибат, бағрикенглик хислатлари янада аққолроқ намойён бўлаётганига гувоҳ бўлганин сайин оққўнғил, қалбан пок инсонларга ёндош яшаётганидан гуруҳ ҳиссини тусан, киши.

— Саховатпеша, меҳри дарё кишилар гамҳўрлигини ҳар дам хис этамиз, — дейди пойтахтимиздаги Хлебущкина номли 22-Меҳрибонлик уйи раҳбари Гулдам Субхонова. — Бу ерга нафақат байрамларда, балки кунда-кунора келиб, меҳр кутган мурғакларга бемин-

нат гамҳўрлик кўрсатувчи юртдошларимиз кўп. Бугун ҳам кўриб турганингиздек, Меҳрибонлик уйимизда Наврўз шодибнаси катта тантана билан нишонланаёпти. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети маъмурияти уйимизда шундай гўзал байрамни ташкиллашти-

ришга яқиндан кўмак берди. Болажонларимизга қимматбаҳо матолардан тикилган баҳорги кийим-бош тўхфа этишди.

Дарҳақиқат, мурувват масканида Наврўзи оламнинг кўтаринкилик руҳида нишонланаётган

ни болажонлар юз-кўздан ҳам маълум. Улар устозлари Хурсаной Холова, Лев Асиянц бошчилигида қизқарли эртак саҳналаштиришди. Эзгулик, гўзаллик тимсоли бўлмиш баҳор ва Наврўз ҳақидаги саҳна кўринишини яйраб ижро этишди. Сўнгра ўсмирларнинг баҳорги либослар кўрғазмасидан иборат мода намойиши ўтказилди.

— Уйимизни яхши кўраман, — дейди Руслан Гайбуллаев. — Бошқа болаларнинг икки-уч акиси бўлса, менинг юздан зиёд ака-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XIII ялпи мажлиси олдида

Айни пайтда Олий Мажлис Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳар томонлама муҳокама қилиб, навбатдаги ялпи мажлисга тақдим этишга ҳозирлик кўрмоқда.

Мазкур қўмита раиси С. Сафоев билан кечган суҳбатимизда ушбу Қонуннинг аҳамияти хусусида сўзлаб беришини сўрадик.



ХАВФСИЗЛИКНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ

— Мазкур қонун лойиҳаси парламент куйи палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йил 20 декабрда киритилган. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши замирида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 2005 йил 13 апрелда маъқулланган Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилиш мақсади мужассам. Муқаддима ва 28 моддадан иборат мазкур Конвенция 2007 йил 7 июлда ушбу Конвенция 115 давлат томонидан имзоланган, 24 давлат эса унинг иштирокчиси ҳисобланади.

Мазкур Конвенция ядровий терроризмнинг олдини олишга ва унга қарши курашишга қаратилган чораларнинг амалга оширилишига ёрдам бериш, радиоактив моддалар қўриқлигини таъминлаш, ушбу ҳужжатда санаб ўтилган қишлоқликни ҳамма бирдек жамийи ҳаракатлар, дея талқин этилишига эришиш, Конвенцияда кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этганлик унн жавобгарликнинг муқаррарлигини белгилаш, жиноят ишларини терглов қилишда ҳамда экстрадицияни амалга оширишда аниқ ва текширилган ахборот амалга оширилишига имкон бериш, шунингдек, Конвенция иштирокчиси бўлиш давлатлар ўртасида жиноятчиларни тутиб олишнинг унн ҳуқуқий асоси белгилаш мақсадида қабул қилинган.

Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция ҳаммаиятнинг ядровий терроризмга ҳар томонлама қаршилик кўрсатишини таъминлашга ёрдам беради ва Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар унн ушбу ҳодисага, жумладан, халқаро ҳамкорлик воситалари орқали курашда ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш имконини яратди.

"Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм акт-

лариға қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳар томонлама муҳокама қилиб, навбатдаги ялпи мажлисга тақдим этишга ҳозирлик кўрмоқда.

Хусусан, мазкур Конвенция қоидаларига (7-модданин 4-банди) мувофиқ, иштирокчи давлатлар тегишли ахборотни юбориш ва олиш унн масъул ваколатли органлари ва алоқа пунктларини БМТ Бош қотибига маълум қиладилар. Чунини, "Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига кўра, терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади. "Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги" халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-бандида бу ҳақда тегишли хабар берилган.

Ҳар қайси иштирокчи давлат Конвенцияга қўшилиётганда жинот деб топилган қилмишларга (ушбу Қонуннинг 2-банди) нисбатан ўзининг юрисдикциясини белгилашга имконини Конвенция 9-моддасининг 2-бандида бинаван БМТ Бош қотибига маълум қилади. Шунингдек, Конвенция 23-моддаси 1-бандининг низоми Халқаро судга топшириш ҳақидаги меъёрлари билан ўзини боғланган деб ҳисобламаслигини билдириши мумкин (ушбу Қонуннинг 4-банди).

Шу билан бирга, Қонуннинг 3-банди билан Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 16-моддаси буйича мазкур халқаро ҳужжатнинг ушбу моддаси қоидалари (ирқи, диний эътиқоди, фўқаролиги, этник келиб

чиқиши ёки сиёсий эътиқодлари сабабли суд томонидан таъқиб этилиши ёки жазо белгилаши хусусидаги қоидалар) Конвенциянинг амал қилиш доирасига киритилган жинотларнинг содир этганлик унн жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланган тарзда, тутиб олиниши ва ҳуқуқий ёрдам масалалари буйича халқаро ҳамкорлик самардорлигига зарар етказмаган ҳолда қўлланилиши лозимлиги ҳақида баёнот беради.

Қонунни Сенатда кўриб чиқиш асосида қўмитамиз томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Ички ишлар, Молия, Мудофаа, Адлия вазирликлари, Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалиёт қонун ҳужжатлари мониторингинг институти экспертлари киритилди. Ишчи гуруҳ кўриб чиқилаётган Қонунга умуман ижобий баҳо берди.

"Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги" халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини халқаро нормаларга ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид эмас. Бундан ташқари, Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 20-банди талабларига тўла жавоб беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур халқаро Конвенцияга қўшилиш нафақат мамлакатимиз, балки минтакамиз барқарорлигини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Ушбу масалада хоҳ миллий, хоҳ халқаро таҳдидлар юзага келган тақдирда, унга қарши бағрикелда курашишга замин яратувчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида катта аҳамияти касб этади.

Ю. БЎРОНОВ, сўзлаб беришди.

2008 йил Ёшлар йили деб аталганда буён кўнглимга қалам олишга ундайди. Эҳ, ёшлик — инсон умрининг айни гўнча оқган палласи. Бугун 82-баҳорни қаршилар эканман, ўзимнинг ёшлик йилларим кўз олдимда гавдаланади.

ТОЛЕИМДАН МАМНУНМАН

Ахир ўтган асрнинг не-не тўзонли даврларини бошимиздан кечирмадик. Бир бурда нон унн қон олиб, жон берган кўнларга гувоҳ бўлдик. Минг шўқри, азобли, машаққатли йиллар орта қолди.

Кечагидек эсимда, ўттизинчи йилларда Тошкентнинг Эски шаҳари ўз номи билан эски шаҳар эди. Синдан қурилган тўпроқли тоғлар, деразалардан милтиллаб турган хира лама чироқлар хаёлим кўзгусидан кетмайди. Шаҳарнинг юпун аҳолиси бозор-ўнар билан ўзига нон топарди. Камбағал хондонларнинг фарзандлари билим олиш имконига эга эмасди. У даврда озгина ўзига тўқ хондонлар назоратга тушар, бунун-бунун мулкдорлар миллат зиёлилари билан бирга йўқ қилиб юбориларди. Нон тополмаган бечоралар қунжара

еб, жон таслим қилганларини ўз кўзим билан кўрганман.

Хўш, бугун ҳаётимиз қандай кечмоқда? Хуррият, эркинлик яратган имконият шунчаликки, ҳалол меҳнат билан, эл-юртга фидойилик билан жуда қўлаб замондошларимиз фаровон ва тўкин турмуш кечирмоқда. Меҳнат бизнинг адолатли ҳамияти-миз унн чинакам шон-шараф ишига айланган. Турри, олма пиш, озгимга туш қабилда боқимандалик билан ҳаёт кечираётган кишилар олдидаги насибдан ҳам беҳабар қолмиш мумкин. Ахир Яратганингни ўзи "Сендан ҳаракат, мендан баракат" деб бежиз айтаман.

Эргаш ТОШМУРОДОВ, меҳнат фахрийси.



Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири, Темур ҚҲРБОНОВ олган сурат.

КЎКЛАМ ШУҚУҲИ

Тантаналарнинг дастлабкиси туманиннг энг кўп аҳолиси истиқомат қилувчи кўча Жом қишлоғида ташкил этилди. Санъаткорлар хонишалари, чаваңдозларнинг улоқ тортишишлари, полончиларинг бел олишиб курашишлари, кўчор ва хўроз уриштиришлари — ҳамма-хаммаси одамларнинг кайфиятини кўтарди.

— Маҳаллалар, мактаблар, муассасалар томонидан тайёрланган кўклам таомлари буйича ўтказилган кўрик-танлов, ёш санъаткорлар чиқишлари, ўқувчиларнинг ифодали шеър ўқишлари қишлоқ аҳолисининг Наврўзини, кўкламини қанчалик соғинганининг ифодаси бўлди. — деди қишлоқ фўқаролар йиғини раиси Эштурди Раҳмонов. — Саховатли инсонларимиз Наврўз олдида нигорин, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишди, уларга хомийлик ёрдами кўрсатишди. Шу билан биргаликда, маҳаллаларни ободонлаштириш, ариқларни тозалаш мақсадида бир неча бор хавсарлаб ўқазилди. Кўчат экишдан ҳеч юм четда қолмади.

Жомда бошланган кўклам қувончлари туманиннг барча қишлоқларига кўчди.

Абдурауф САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Санъат

— Ёшларимиз устоз Юнус Ражабий хотирасига бағишланган республика ёш мактабчилар танловида "Умид" совринини кўлга киритишди, — дейди Андижон туманидаги мусиқа мактаб-интернати директори Адхамжон Исмоилов. — Иқтидорли ўқувчимиз Аббос Каримов танловда биринчи ўринни эгаллагани учун имтиёзли равишда Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинди.

КУЙ-ҚЎШИҚҚА ОШУФТА ЁШЛАР

Мақтабнинг "Дуторчи қизлар" дастасига Маълудохон Тожибоева етакчилик қилади. У бир пайлар шу мактабда тахсил олган. Сўнг консерваторияни муваффақиятли тамомлади. Кечаги ўқувчи бугун кўлаб истеъдодли шогирдларни тарбиялаб, вояга етказмоқда.

— Отларимиз, момоларимиз дутор куйини сеҳрли, ҳаётбахш навога менгашган, — уқтиради шогирдларига Маълудохон. — Дутор юрак чигилини ёздаи, қалбингга завқ-шавқ олиб кирди, давраларга фойз бағишлайди. Дутор чалган одам қаримайди. Янгиликка, эзгуликка интилиб яшайди.

Мақтабнинг "Дуторчи қизлар" дастаси "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" Ёшлар иқтисодий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажак овози — 2007" республика танловига фаол иштирок этди. Даста аъзолари ўз истеъдодини намойиш этиб, танловнинг "Янги авлод" йўналиши бўйича лауреатлик дипломинини кўлга киритишди.

Бўтакорлик икромчи ёшлар Суҳробдор виллоятда ўқазилган халқаро этнографик фестивалда ҳам уларнинг дилторлар тароналари, миллий куйлари орқали Германия, Хитой, Франция, Япония сингари хориқ мамлакатлардан келган санъат усталарини лол қилдиришди.

Мақтабда ўқиш ва машғулотлар икки йўналишда — мусиқа ҳамда умумтаълим дастурлари асосида олиб борилаёттир. Мусиқа машғулотлари ва яққа дарслар учун мустақил равишда синф хоналарида барча шароит мўҳайё. Уч юз ўринли ётоқхона бўлғуси санъаткорлар истиёрдида.

Шак-шубҳасиз, юқоридаги сингари кенг қамровли ишлар босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида Ўзбек санъатини янада юксак чўққиларга кўтарадиган, шухратига шухрат қўшадиган хонанда ва соҳандилар, баътакорлар, мусиқа соҳасининг билимдонлари кўлаб этишиб чиқадилар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ОЛВАЛИЗОР»ЛИК ЧЕМПИОНЛАР

Бобур Машрабовни бутун кўни-кўшиги тенгдошлари «Маҳалланинг полвори», дейишди. Иштиқол билан тенгдош йигитчага 2007 йил жуда омадли келди. Кураш бўйича ўсириллар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида чемпион бўлди. Сўнгра виллоят марказидаги спорт коллежида ўқишга кирди. Орадан кўп ўтмай кўлига фуқаролик паспортини олди.

Жаҳонгир Камолов ундан икки ёш катта. У ҳам чемпион. Бундан бир неча ой аввал Андижонда ўтказилган биринчиликда шохсуаннинг юқори поғонасидан ўрин эгаллади. Иккаласи ҳам курашнинг ҳадисини Наманган шаҳридаги 32-болалар ва ўсириллар спорт мактабида олишган. Айни паллада коллежда бирга ўқишди.

«Олвализор» маҳалласи шаҳар чеккасида жойлашган. Бу ерда 14 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг беш мингга яқини вояга етмаган ёшлар. Собиқ ширкат ҳўжалигининг каттагина биноларидан бирида спорт мактабига жой берилиши барчага бирдай маъқул тушди. Чунки миллий кураш, дзю-до, юнон-рум кураши, футбол, волейбол, бокс билан шугулланаман, деган ўсмирга бу масканда барча шарт-шароит мўҳайё. Болалар ўзлари суйган машғулот-

га йўл очилганидан хурсанд, ота-оналарнинг фарзандларидан кўнгли тўқ. Авваллари бўш вақтини нимага сарфлашни билмай юрган ўсирилларнинг кўпчилиги кундалиқ спорт машғулоти билан банд.

— Икки йил бўлди, укам Худобер кураш гуруҳига машғулотга қатнайдилар. Бир неча бор мактабга бориб, ҳавасим келди. Ёнига қўшилдим. Машғулотларда кўпинча ака-ука бирга гиламга тушамиз. Уйдагилар ҳам баъзан «Қани, бир хўнарларингни кўрсатинглар-чи», деб қўлишди. Раёйлари кайтармай даров бейбоғ боғлаймиз, — дейди 45-умумтаълим мактаби ўқувчиси Муслим Исмоилов.

Волейбол гуруҳига қатнаб, ўйин ҳадисини яқшигина ўзлаштириб олган 37-мактаб ўқувчиси Олимжон Мамадалиев ҳам укаси Илғоббекни ёнига тортиди.

Спорт мактабининг ўзига хос оҳанрабоиси бор. Бу ерда яратилган шароит, устоз-мураббийларнинг меҳрибонлиги болаларни машғулот залларига тортгани-тортган. Айни паллада 534 нафар ўғил-қиз бу ерда жисмоний етуқлик сабоқларини олишмоқда. 19 мураббийнинг ақсарияти маълум тоифага эга маҳоратли спортчилар. Масалан, Хамидулла Раҳматов кураш бўйича олий тоифага эга. Муҳаббат Кошова, Анвар Шамсиддинов,



ТАЭКВОНДО МАЛИКАЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Миробод» спорт мактабисидан таэквондонинг ИТФ йўналиши бўйича қизлар ўртасида Тошкент виллояти очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган қиз нафарга яқин қиз олти ваъз тоифасида медаллар учун кураш олиб борди.

— Ушбу мусобақа қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, халқаро турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган терма жамоага номзодларни саралаб олиш мақсадида уюштирилди, — дейди таэквондо ИТФ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бosh мураббийси Фахриддин Умаров. — Беллашувда етти виллоятдан таэквондочилар иштирок этмоқда.

Мусобақада қизларнинг нафақат спорт, балки санъат, пазандчилик сир-асрорларини нечоғли ўзлаштирганликлари ҳам синовдан ўтказилди. Натияжада, сурхондарёлик Зилола Жўраева, жиззахлик Дилрабо Раҳмонова ҳамда ангренилик Галина Хигаи турли номинациялар бўйича голиб, деб тоғилдилар.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАХМАТ КЛУБИ ИШ БОШЛАДИ

Наврўз байрами арафасида Жиззах виллоят шахмат федерацияси қошида «Шохруҳ» клуби иш бошлади.

«Жиззахтаълим» корхонаси ҳимийлигида барпо этилган клубнинг очилиш маросимида халқаро гротмейстер Дмитрий Қасимов, Ўзбекистоннинг кўп қарра чемпиони, Зулфия номида-

ги Давлат муқофоти совриндори Юлдуз Ҳамроқуллова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида салмоқли

ишлар олиб борилаётганини, ёшларимизда спортга, хусусан, шахматга қизиқиш юқори эканини таъкидладилар.

— Анчадан буён шахмат клубимиз

бўлишини орзу қилардик, — дейди жиззахлик меҳнат фахрийси Шомурод Муродов. — Бу айриги ишни амалга оширган ҳомий ва ташкилотчиларга виллоятимиздаги шахмат муқдирлиги номидан миннатдорлик билдираман. Клуб ёш шахматчилар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиши шубҳасиз.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

СЕН БОҚИЙСАН, ҚАДИМИЙ НАВРЎЗ



Наврўз шодиёналари мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида кўтаринки кайфият билан нишонланмоқда. Хусусан, Наманган шаҳридаги педагогика коллежида ҳам «Сен боқийсан, қадимий Наврўз» деб номланган байрам таъини олиб бўлиб ўтди. Унда икки мингдан ортиқ ўқувчи қатнашди. Йилгиланларга байрам дастурхони ёзилиб, баҳорий ноз-неъматлар тортиқ қилинди. Ёшлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар, ўтказилган турли танловлар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

СУРАТДА: Наманган шаҳар педагогика коллежи дуторчи қизлар ансамбли.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида электр энергиясини сотиш бўйича операторни (юридик шахс) танлаш бўйича танлов ўтказилади.

Шартнома (контракт)нинг энг кам амал қилиш муддати — бир йил.

Буюртмачи — «Ўзбекэнерго» ДАКнинг «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ.

Танлов ташкилотчиси — «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ.

Мустақил оператор (юридик шахс) бозор иқтисодиёти шароитида камда икки йиллик иш тажрибасига, сотиб олинадиган электр энергиясининг ўртача уч ойлик миқдоридан кафолатланган ўзининг маблағига ёки заёмли айланма маблағга (банк кафолати) эга бўлиши керак.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун танлов ташкилотчиси — «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖга сўровнома билан куйидаги манзилга мурожаат этиш лозим:

Тошкент шаҳри, «Мовароуннахр» тор кўчаси, 6-уй. Телефон: 233-42-94.

Бир вақсани танлов ҳужжатларини олиш баъоси — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов ташкилотчиси томонидан куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, «Мовароуннахр» тор кўчаси, 6-уй, молия-иқтисод бўлими. Телефон: 233-42-94. Тел./факс: 233-03-59.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан оферталар очилиш кунини ва соатига куйидаги манзилда қабул қилинади: 100047, Тошкент шаҳри, «Мовароуннахр» тор кўчаси, 6-уй, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ. Телефонлар: 233-42-94, 233-75-79.

Таклифлар (оферталар) эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин очилади.

Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, қасба уюмига кўнгилга ва механика-математика факультети жамоаси Параллел технологияларда дислокация усуллари кафедраси мудири, профессор Ҳафиз Музаффаровга палари бузуқворини

АЗИС отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда тармоқ қасба уюмидаги Марказий кенгаши компания бошқаруви раиси ўринбосари В. Я. Баходдин ва унинг оила аъзоларига отаси, фахрий темир йўлчи

Яков Васильевич БАХОЛДИНнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тиббиёт санитария бўлими жамоаси бosh ҳисобчи Мавжуда Низоёвага онаси

САТНАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Олмалик тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ жамоаси Тошкент шаҳридаги ваколатхона раҳбари Эриғит Қудшоёва отаси

Қўлош ЖўРАБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларидан аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 20 февралдаги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, «ЎЗМИЛЛИЙБАНК» бўлиналарида ташкил қилинган «Ишонч телефонлари»

№	Банк номи	Ишонч телефонлари рақамлари (коди)	№	Банк номи	Ишонч телефонлари рақамлари (коди)	№	Банк номи	Ишонч телефонлари рақамлари (коди)
	Миллий банк, Бош офис	8 (371) 234-14-14	1.	Самарқанд виллоят бўлими	8-3662-33-55-95	8.	Янгийўл филиали	(8-370)-602-80-09
1.	Андижон бўлими	8-(374) 224-09-81	2.	Амалиёт бўлими	8-3662-31-01-04	1.	Урганч бўлими	8 (362) 226-26-44 8 (362) 224-35-84 8 (362) 226-45-44 8 (362) 226-43-60
2.	Асака филиали	8-(374) 233-08-78	3.	Каттакўрғон филиали	8-366-45-53-788	2.	Хива филиали	8 (362) 375-61-31 8 (362) 375-75-42 8 (362) 375-61-30
3.	Шаҳрихон филиали	8-(374) 342-02-95	4.	Ургут филиали	8-366-48-31-401	3.	Хонқа филиали	8 (362) 39-91-654 8 (362) 39-93-561 8 (362) 39-91-132
4.	Избоскан филиали	8-(374) 312-25-38	5.	Булунғур филиали	8-366-44-21-243	4.	Шовот филиали	8 (362) 34-54-808 8 (362) 34-53-771 8 (362) 34-53-718
5.	Кўргонтепа филиали	8-(374) 723-23-38	6.	Жомбой филиали	8-366-23-19-914	5.	Ҳазорасп филиали	8 (362) 33-23-788 8 (362) 33-23-828 8 (362) 33-24-881
6.	Мархамат филиали	8-(374) 391-29-10	7.	Нуробод филиали	8-366-63-31-888	6.	Гурлан филиали	8 (362) 36-52-321 8 (362) 36-53-002 8 (362) 36-52-230
7.	Пахтаобод филиали	8-(374) 711-24-69	8.	Пастдаргом филиали	8-366-46-52-315	7.	Янгиариқ филиали	8 (362) 38-53-516 8 (362) 38-52-306 8 (362) 38-53-526
1.	Бухоро бўлими	8-365-223-45-88	1.	Термиз бўлими	8-222-222-84-19	1.	Фаргона бўлими	8 (373) 224-85-27
2.	Ғиждувон филиали	8-365-57-24-633	2.	Денов филиали	8-222-241-21-998	2.	Марғилон филиали	8 (373) 223-23-68
3.	Қорақўл филиали	8-365-56-52-762	3.	Жаркўрғон филиали	8-222-243-21-787	3.	Кўкон филиали	8 (373) 55-2-59-12
4.	Когон филиали	8-365-52-23-591	4.	Қумқўрғон филиали	8-222-246-52-261	4.	Қува филиали	8 (373) 31-53-229
5.	Шофиркон филиали	8-365-50-23-445	5.	Сариосиё филиали	8-222-248-31-783	5.	Бешариқ филиали	8 (373) 61-21-593
6.	Коровулбозор филиали	8-365-36-41-303	6.	Шеробод филиали	8-222-232-21-312	6.	Бувайда филиали	8 (373) 62-91-7-55
7.	Ровкент филиали	8-365-33-21-020				7.	Қувасой филиали	8 (373) 37-3-28-62
8.	Ромитан филиали	8-365-55-21-015				8.	Риштон филиали	8 (373) 45-21-112
1.	Жиззах бўлими	8-372-222-38-26	1.	Бош амалиёт бўлими	8 (371) 232-03-90	1.	Наманган бўлими	8-(369) 226-57-82
2.	Пахтакор филиали	8-372-353-19-28	2.	Марказий амалиёт бўлими	8 (371) 235-77-74	2.	Чуст филиали	8-(369) 423-14-44
3.	Мирзақўл филиали	8-372-312-14-54	3.	Амалиёт бошқармаси	8 (371) 244-35-05	3.	Тўрақўрғон филиали	8-(369) 442-33-65
1.	Қарши бўлими	8 (371) 141-65-66	4.	Академик филиали	8 (371) 262-01-93	4.	Чортоқ филиали	8-(369) 412-35-79
2.	Шаҳрисабз филиали	8-375-522-74-82	5.	Юнусобод филиали	8 (371) 225-83-67	5.	Косонсой филиали	8-(369) 652-52-60
3.	Муборак филиали	8-375-672-24-89	6.	Хамза филиали	8 (371) 294-58-97	6.	Уйчи филиали	8-(369) 482-11-26
4.	Ғузор филиали	8-375-552-10-90	7.	Сирғали филиали	8 (371) 251-09-13	7.	Учқўрғон филиали	8-(369) 462-15-01
5.	Янги-Нишон филиали	8-375-512-17-32	8.	Яққасарой филиали	8 (371) 250-73-63			
1.	Навоий бўлими	8 (371) 120-23-85 8 (371) 120-23-93	9.	Миробод филиали	8 (371) 291-28-12			
2.	Зарафшон филиали	8-(436) 573-55-98	10.	Собир Раҳимов филиали	8 (371) 228-74-15			
3.	Учкудук филиали	8-(436) 593-33-02	11.	Шайхонтоҳур филиали	8 (371) 149-67-99			
4.	Қизилтепа филиали	8-(436) 555-29-26	12.	Мирзо Улғубек филиали	8 (371) 237-07-59			
1.	Нукус бўлими	(8-361) 780-00-13, 141-70-13	13.	Саъда филиали	8 (371) 279-77-31			
2.	Хўжайли филиали	(8-361) 554-32-28	14.	Учтепа филиали	8 (371) 275-35-86			
3.	Тўртқўл филиали	(8-361) 532-20-95	15.	Бектемир филиали	8 (371) 295-07-13			
4.	Кўнғирот филиали	(8-361) 312-14-74						
5.	Чимбой филиали	(8-361) 444-00-72						
1.	Ғулистон бўлими	8-367-225-35-95	1.	Тошкент виллоят бўлими	8 (371) 252-77-13			
2.	Янгиер филиали	8-367-372-51-10	2.	Олмалик филиали	8-(370)-612-10-45			
			3.	Ангрэн филиали	8-(370)-662-24-48			
			4.	Бекобод филиали	8-(370)-912-26-24			
			5.	Чирчиқ филиали	8-(370)-715-34-31			
			6.	Ғазалкент филиали	8-(370)-244-82-90			
			7.	Тўйтепа филиали	8-(370)-762-01-79			

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғасев ва Мухаммадвали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 15.45

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — А. Кутубидинов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳад — Ҳ. Тошқужаев.

Тошпирлиди — 18.10 1 2 3 4 5 6 7